

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**АВАЗОВ КОМИЛ РАХМАТОВИЧ**

**ҚОБИҚНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ САҚЛАШДА**  
**ПИЛЛАЛАРГА ИНФРАҚИЗИЛ НУР БИЛАН ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ**  
**БЕРИШ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси**  
**ва хомашёга дастлабки ишлов бериши**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторский (DSc) диссертации**  
**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Авазов Комил Рахматович**

Қобикнинг технологик хусусиятларини сақлашда пиллаларга инфрақизил нур билан дастлабки ишлов бериш .....5

**Авазов Комил Рахматович**

Первичная обработка коконов инфракрасным излучением с сохранением технологических свойств оболочки.....31

**Avazov Komil Rahmatovich**

Primary processing of cocoons with infrared radiation for maintaining the technological properties of the shell .....59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....63

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**АВАЗОВ КОМИЛ РАХМАТОВИЧ**

**ҚОБИҚНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ САҚЛАШДА**  
**ПИЛЛАЛАРГА ИНФРАҚИЗИЛ НУР БИЛАН ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ**  
**БЕРИШ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси**  
**ва хомашёга дастлабки ишлов бериши**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**



## КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тўқимачилик саноатида пилла етиштириш ва ипак ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутиб, Хитой, Ҳиндистон, Ўзбекистон, Эрон, Таиланд, Вьетнам, Шимолий Корея, Бразилия, Франция каби давлатлар бу соҳада етакчи мамлакатлар ҳисобланади<sup>1</sup>. Ипакчилик саноатини изчил ва барқарор ривожлантириш, нафақат корхоналарда замонавий технологияларни жорий этиш, балки жорий этилган асбоб-ускуналардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, маҳсулот кўримлигини ошириш, янги миллий брендларни яратиш жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар билан савдо қилишга эришиш билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги замон талабларидан келиб чиқиб маҳаллий тўқимачилик хомашёлари билан миллий ипак газламалари ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш техника ва технологиясини такомиллаштириш, уларнинг илмий асосларини яратишга йўналтирилган тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан етиштирилган пиллаларнинг табиий сифатини сақлаш орқали уларга дастлабки ишлов бериш учун тирик пиллалар ғумбагини жонсизлантиришнинг янги қурилмасини яратиш ва уни муқобил энергия билан таъминлаш технологиясини ишлаб чиқиш, навсиз ва нуқсонли пиллаларнинг турли зотлар кесимида навлари бўйича саралаш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида юқори чизиқли зичликдаги хом ипак олишнинг рационал режимини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий масалалар қаторига киради<sup>2</sup>.

Ҳукуматимиз томонидан тўқимачилик саноатининг ипак тўқувчилиги соҳасига инновацион технологияларни жорий этиш орқали ресурстежамкор, эстетик бадиий безалган, рақобатбардош ҳамда экспортбоп тўқимачилик маҳсулотларнинг янги ассортиментларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>3</sup> вазифалари белгилаб берилган. Шу сабабли, республикада тайёрланаётган пиллаларнинг технологик хусусиятларини табиийлигича сақлаб қолиш учун уларга дастлабки ишлов бериш техника ва технологиясини такомиллаштириш, технологик жараёнларни қисқартириш, пилла ва ундан олинган ипак сифатини халқаро стандарт талаблари даражасига етказиб, жаҳон бозорига чиқишини

<sup>1</sup> <https://www.tridge.com/intelligences/silkworm-cocoons/production>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5264-сонли «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Тошкент ш., 2017 йил 29 ноябрь.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль.

таъминлай оладиган, илмий асосланган ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4047-сон «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 17 январдаги ПҚ-4567-сон «Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

#### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.**

Тут ипак қурти ғумбагини жонсизлантириш ва қуритиш усулларини яратиш, технологияларини такомиллаштириш, уни математик моделлаштириш орқали юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш, ипак маҳсулотлари турларини яратиш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, China Jiliang University (AAU), Donghua University, Wuhan Textile University, Soochow University (Suzhou), Ltd, Anhui Sanli Silk Group Co., Ltd (Хитой), South Indian Textile Research Association-SITRA, Central Silk Technological Research Institute, Indian Institute of Technology, Indian Institute of Science (Ҳиндистон), Mahasarakham University (Таиланд), Deakin University (Австралия), International Association of Silk Road University (Япония), University of the Pacific-San Francisco (АҚШ), Академик М.С.Осими номидаги Тожикистон технология университети (Тожикистон) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ипакчилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Tzenov P. (Bulgarian Agricultural academy) Problems and prospects of sericulture preservation and revival in Europe, Caucasus and Central Asia // 9th BACSA International Conference «Sericulture preservation and revival – problems and prospects», Batumi, Georgia, 2019; Jiaren L. Full automatic air energy cocoon drying machine//[CN104677065B](#). Guangxi Dage Agricultural Technology Co Ltd. CN104677065A·2015; Panna Lal Singh Silk cocoon drying in forced convection type solar dryer//[Applied Energy Volume 88, Issue 5](#), May 2011, Pages 1720-1726; Hariraj G., Somashekar T.H. Studies on the effect of hot air drying temperature profiles on degree of drying of Indian multi-bivoltine cocoons// Studies on drying of multi-bivoltine cocoons, J. Silk Sci.Tech. Jan. 10, 2001. P.65-69 ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Пиллалардан юқори сифатли хом ипак олиш, ипак маҳсулотлари турларини яратиш ва улардан самарали фойдаланишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: намлиги юқори бўлган маҳсулотларни иссиқ ҳавода қуритишнинг самарали технологияси яратилган (Jiangsu Vocational College of Agriculture and Forestry, Хитой), маҳсулотларни иссиқ ҳаво ва музлатиш орқали комбинациялашган қуритиш технологияси ишлаб чиқилган (Zhejiang University of Science and Technology (ZUST), Хитой), қуритиш жараёнида инфрақизил нурлардан фойдаланишнинг илмий асосланган технологияси яратилган (Indian institute of technology Kharagpur, Ҳиндистон), ультра-микро-тўлқин ёрдамида қуритишнинг самарали усули ишлаб чиқилган (Rajamangkala university of technology Lanna, Таиланд), пилла ғумбагидан самарали фойдаланиш усуллари таклиф этилган (Mahasarakham University, Таиланд), сифати яхшиланган нитрон ипларини ва табиий ипакдан тикув ипларини ишлаб чиқариш усуллари, ипак жарроҳлик иплари, тиббиёт доқаси ва бошқа матолар яратилган (Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ипакчилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон).

Дунёда ипакчилик саноати техника ва технологияларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, ипак толаларининг хусусиятларини яхшилаш ва уларни модификациялаш, тўқимачилик толалари нанотехнологияси, ипак гиламчилиги, пишитилган ипак ва буюмлар, табиий ипак ва бошқа толалар билан аралаш тўқималар ишлаб чиқариш техника технологиясини такомиллаштириш ва уларнинг илмий-амалий асосларини ривожлантириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган пилла, хом ипак ва ипакдан тайёрланадиган матоларни ишлаб чиқариш қатор муаммолар ечимига келиб тақалади. Бу борада қатор хорижлик олимлар: J.Li, X.Wang, Miao Yungen, K.Murugesha Babu, N.V.Padaki, B.Das, R.M.Thirumalesh, P.Bhat, A.Basu, T.Karthik, R.Rathinamoorthy, D.Naskar, R.R.Barua, U.C.Javali, P.P.Prasobhkumar, P.L.Singh (Ҳиндистон), A.Lin, T.Chuang, T.Pham, C.Но, Y.Hsia, C.Vierra (АҚШ), D.C.Castrillón Martínez (Колумбия), D.A.Bergamasco (Бразилия), Ch.Nambajjwe (Уганда), Xing Jin, O.Zhang, W.Gao, Jing liang Li (Австралия), K.Wongkasem (Таиланд), P.Tzenov (Болгария), Э.Шапакидзе (Грузия), Y.Shukurlu, Nargiz Baramidze (Озарбайжон), М.Лохиньска (Польша), У.Шахан (Туркия), М.В.Изатов, З.А.Яминова (Тожикистон) ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар.

МДХ давлатларида, юртимизда ҳам пиллаларга дастлабки ишлов бериш усуллари ва технологияларини яратиш, уларни такомиллаштириш, пиллаларни чувиш ва эшиш жараёнларини тадқиқ қилиш ва самарадорлигини ошириш орқали юқори сифатли хом ипак олиш, ипак маҳсулотлари турларини яратиш ва кенгайтириш, улардан самарали фойдаланишнинг назарий ва амалий асосларини яратиш бўйича: Г.К.Кукин,

Э.Б.Рубинов, А.Д.Абрамов, В.А.Усенко, Р.З.Бурнашев, Ф.В.Зыкова, Г.С.Поздняков, И.З.Бурнашев Ш.А.Қодировлар соҳа илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшганлар ва ҳозирда Х.А.Алимова, Б.М.Мардонов, А.Д.Даминов, А.Э.Гуламов, О.Ахунбабаев, Г.Н.Валиев, Ш.Р.Умаров, Н.М.Исламбекова, У.Н.Насриллаев, Ж.А.Ахмедовлар ипак тўқимачилиги соҳасини дунёдаги мавқеини ошириш бўйича самарали илмий тадқиқотлар олиб боришмоқдалар.

Бугунги кунда пилла етиштириш жараёни бир неча мавсумда амалга оширилиб, ипак ишлаб чиқариш корхоналари замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланмоқда. Бироқ, пиллани дастлабки ишлаш (ПДИ) базаларидаги агрегатларнинг техник даражаси физик ва маданий жиҳатдан эскирганлиги, пиллаларни дастлабки ишлов бериш жараёнида уларнинг узоқ вақт юқори хароратли иссиқ ҳаво таъсирида бўлиши қобикнинг технологик хусусиятига салбий таъсир этиб, ундаги серициннинг денатурацияга учрашига олиб келмоқда. Шу боис, турли мавсумда етиштирилган пиллаларга дастлабки ишлов бериш технологияси ва режимларининг пилла қобиғи ва ғумбагининг физик-механик хусусиятларига таъсирини аниқлашни талаб этади. Бу эса, пилла ғумбагининг иссиқ ҳаво қанчалик кам таъсир қилса, куймаган ёғ моддаси кўп бўлган сариқ рангдаги ғумбаклар миқдори ошишини кўрсатади. Юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш учун турли мавсумда етиштирилган пиллалар учун алоҳида технологик режимлар ишлаб чиқиш, усулларини яратиш каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-3-40 рақамли «Пилла ғумбагини жонсизлантириш технологиясини такомиллаштириш асосида маҳсулотнинг табиий сифатини сақлаш ва сарф бўладиган энергия тежамкорлигини ошириш» ва ФЗМВ-2016-0914071311 рақамли «Пиллани чувишга тайёрлаш ва хом ипак ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг назарий асосларини яратиш» лойиҳаси мавзуларидаги амалий ҳамда ИОТ-2015-2 рақамли «Пиллани дастлабки ишлашнинг такомиллаштирилган, ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш» мавзусидаги инновацион давлат гранти лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пилла ғумбагини инфрақизил нурда жонсизлантириб, қобикнинг технологик хусусиятларини сақлаш, юқори сифатли ипак чувиш, нуқсонли пиллалардан йигирилган ипак учун хомашё тайёрлашнинг такомиллашган технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тирик пилла ғумбагини жонсизлантириш, қуриштириш ҳамда навсиз ва нуқсонли пиллаларни қайта ишлашнинг мавжуд технологияларини таҳлил қилиш;

тирик пилла ғумбагини инфрақизил нур таъсирида жонсизлантиришнинг янги қурилмасини ишлаб чиқиш ва амалиётда синаш;

тирик пиллаларни инфрақизил нур ва конвектив усулларда жонсизлан-тириб қуриштиришнинг амалий тадқиқотини ўтказиш;

янги қурилмани қуёш фотоэлектрик станцияси ёрдамида энергия билан таъминлаш технологиясини ишлаб чиқиш;

навсиз ва нуқсонли пиллаларнинг синфланиш, мажуд хорижий ва маҳаллий зот пиллаларни навлари бўйича саралаш;

пилла қобиғининг физик механик ва технологик хусусиятларининг чувиш жараёнига таъсирини ўрганиш;

юқори чизиқли зичликдаги хом ипак олиш учун КМС-10ВУ дастгоҳини такомиллаштириш ва навсиз ва нуқсонли пиллаларни чувишнинг рационал режимини ишлаб чиқиш;

такомиллаштирилган қурилмада инфрақизил нур таъсирида ишлов берилган пиллаларнинг технологик хусусиятлари ўрганиш;

навсиз ва нуқсонли пиллалардан чувиб олинган хом ипакнинг технологик хусусиятларини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида хорижий ва маҳаллий зот пиллалари, хом ипак, навсиз ва нуқсонли пиллалар, йигирилган ипак олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида янги инфрақизил нур қурилмаси, такомиллаштирилган КМС-10ВУ пилла чувиш механик дастгоҳи олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида табиий хомашёларда иссиқлик алмашинув жараёнларини таҳлил қилиш, ҳисобий усуллар, тажриба анализи ва математик статистика усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тирик пиллалар ғумбагини инфрақизил нурда жонсизлантириш ва қуриштиришнинг илмий асосланган технологияси ишлаб чиқилиб, ғумбакни жонсизлантиришда унинг вақт бирлигидаги ҳароратининг ўзгариши моделлаштирилган;

такрорий мавсумда етиштирилган тирик пиллалар ғумбагини инфрақизил нур таъсирида жонсизлантириб, давомли иссиқ ҳавода қуриштиришнинг такомиллашган технологик режимлари ишлаб чиқилган;

пиллалар ғумбагини жонсизлантиришнинг такомиллашган қурилмаси яратилиб, уни қуёш энергияси манбаи билан таъминловчи фотоэлектрик системасининг ФЭС 100/12 модел схемаси ишлаб чиқилган ва пилла ғумбагини инфрақизил нурда жонсизлантириш технологияси яратилган;

КМС-10ВУ дастгоҳи такомиллаштирилиб навсиз ва нуқсонли пиллаларни чувиш асосида юқори чизиқли зичликдаги хом ипак олиш технологияси яратилган;

сифатли, халқаро стандарт талабларига жавоб бера оладиган йигирилган ипак ва ипак гиламларини ишлаб чиқариш учун хомашё тайёрлашнинг такомиллашган усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пилла ғумбагини инфрақизил нурда жонсизлантиришнинг Ўзбекистон Республикаси патентлари билан ҳимояланган янги такомиллашган қурилмаси яратилган ва мақбул параметрлари ишлаб чиқилган;

навсиз ва нуқсонли пиллалардан юқори чизиқли зичликдаги хом ипак олишнинг Республикаси патентлари билан ҳимояланган янги такомиллаштирилган технологияси яратилган ва мақбул параметрлари ишлаб чиқилган;

навсиз ва нуқсонли пиллалардан чувиб олинган юқори чизиқли зичликдаги хом ипакдан ипак гиламлари ишлаб чиқариш учун хомашё тайёрлаш технологияси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажриба материалларининг статистикаси, назарий ва амалий тадқиқотларнинг натижаларини солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг мос келиши, математик-статистик қайта ишловлар 95 % ишончлилик даражаси билан амалга оширилганлиги, тажрибалар хатолиги 5 % дан ортмаганлиги, тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга ижобий жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тирик пилла ғумбагини жонсизлантириш технологияси такомиллаштирилганлиги, тирик пилла ғумбагини инфрақизил нурда жонсизлантиришнинг янги қурилмаси яратилганлиги, давомли сояда қуритиш технологияси ишлаб чиқилганлиги, чувиш дастгоҳини такомиллаштириш асосида навсиз ва нуқсонли пиллаларидан юқори чизиқли зичликдаги хом ипак олиш технологияси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти навсиз ва нуқсонли пиллаларни чувиб юқори чизиқли зичликдаги хом ипак олиш учун мавжуд КМС-10ВУ механик дастгоҳи такомиллаштирилганлиги, таклиф этилган технологияни ишлаб чиқаришга жорий этилиб, пиллаларга сифатли дастлабки ишлов беришни ва нуқсонли пиллалардан самарали фойдаланишни таъминланганлиги, энергия сарфини камайтирган ҳолда корхона самардорлигини оширилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қобиқнинг технологик хусусиятларини сақлашда пиллаларга инфрақизил нур билан дастлабки ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пиллани дастлабки ишлаш жараёнида уларни жонсизлантириш ва қуритиш усулига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агенглигининг ихтирога патентлари (IAP 04918, 2014 й.; IAP 06368, 2020 й.) олинган. Натижада пилла қобиғининг табиий хусусиятларини нисбатан сақлаш имконини берган;

пиллани дастлабки ишлашнинг такомиллаштирилган, ресурстежамкор технологияси «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда, жумладан «Kumush tola» пиллакашлик корхонасида жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2020 йил 11 ноябрдаги №4–2/2279-сон маълумотномаси). Натижада тирик пилла ғумбагини қисқа вақт ичида жонсизлантириш, сояли қуритиш вақтини қисқартириш ва қобиқнинг технологик хусусиятларини сақлаш имконини берган;

қобикнинг технологик хусусиятларини сақлашда пиллаларга инфрақизил нур билан дастлабки ишлов бериш технологияси «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда, жумладан «O'rtachirchiq agro-pilla» корхонасида жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2020 йил 11 ноябрдаги №4–2/2279-сон маълумотномаси). Натижада навли пиллалар чиқишини 6,4 % га ошириш, эзилган пиллалар миқдорини 6,1 % га камайтириш имконини берган;

навсиз ва нуқсонли пиллаларни қайта ишлашнинг такомиллашган технологияси «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда, жумладан «Koson agropilla» корхонасида жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2020 йил 11 ноябрдаги №4–2/2279-сон маълумотномаси). Натижада ипак гиламлари учун 12–14 текс юқори чизиқли зичликдаги сифатли хом ипак ишлаб чиқариш имконини берган;

қобикнинг технологик хусусиятларини сақлашда пиллаларга инфрақизил нур билан дастлабки ишлов бериш технологияси «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда, жумладан «Koson agropilla» корхонасида жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2020 йил 11 ноябрдаги №4–2/2279-сон маълумотномаси). Натижада пиллалардан чувиб олинган хом ипакнинг солиштирама узиш кучини 6,6 % га, нисбий чўзилишини 8,6 % га ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича жами 12 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 4 та халқаро, 8 та республика конференцияларида ва 2 та илмий семинарда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, ундан 7 таси чет элда чоп этилган. Ўзбекистон Республикасининг 4 та патентлари (шулардан 2 та ихтирога ва 2 та фойдали моделга) олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишни апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ипак курти пиллаларига дастлабки ишлов беришнинг ҳолати**» деб номланган биринчи бобида пилла етиштириш ва уларга дастлабки ишлов бериш усуллари ва технологияси, уларнинг ҳолати, хом ипак ишлаб чиқаришда эса ажраладиган навсиз ва нуқсонли пиллаларнинг технологик хусусиятлари ва уларни қайта ишлаш технологиялари ҳамда усуллари таҳлил қилинган. Шулар асосида пилла қуритишда ғумбакни инфрақизил нур остида жонсизлантириб, қобиқнинг технологик хусусиятларини сақлаш ва юқори сифатли хом ипак олиш, навсиз ва нуқсонли пиллалардан юқори чизиқли зичликдаги хом ипак ишлаб чиқариш ва йигирилган ипак учун хомашё тайёрлашнинг такомил-лаштирилган технологияларини ва янги усулини яратиш устида изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқлиги келтирилган.

Юртимизда пиллага дастлабки ишлов беришнинг қатор усуллари ва қурилмалари мавжуд бўлишига қарамасдан, ишлаб чиқаришда узоқ йиллар давомида биргина иссиқ ҳаво (конвектив) усули қўлланилиб келинмоқда. Ушбу усулда қўлланилаётган қатор КСК-4,5 ва Ямато-Санко каби агрегатлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосий 82,1 % қисмини СК-150К агрегати ташкил қилади. Бирок, ушбу агрегатларнинг техник ҳолати маънавий жиҳатдан эскирганлиги боис, пиллаларга сифатли ишлов бериш имкониятини чекламоқда. Юқори иссиқ ҳавода ишлов бериш усулининг айрим авфзалликларига қарамасдан, пилланинг табиий технологик хусусиятларига салбий таъсир қилиш оқибатида сифатининг пасайиш тенденцияси аниқланмоқда. Шунингдек, кондицион 10 % намликка қадар сояли қуритиш давомийлиги узоқ давом этганлиги боис, ғумбакдан ажралган суюқлик ички доғли пиллалар миқдорини кўпайтирмоқда. Бу эса, чувиш жараёнини мураккаблаштириб, пилла ипининг умумий ва узлуксиз узунликларининг камайишига олиб келмоқда.

Адабий таҳлиллар ва ўтказилган тадқиқотлар натижасида пиллага дастлабки ишлов бериш жараёнига инфрақизил нурни қўллаш орқали қобиқнинг табиий хусусиятларини юқори даражада сақлаш имконияти мавжудлиги маълум бўлди. Шу боис, бу йўналишдаги ҳар қандай илмий изланиш ўзининг муҳим долзарблигига эгадир.

Инфрақизил нурни жараёнга қўллаш борасида қатор олимлар ўз тадқиқотларида ижобий натижалар олишига қарамасдан жараён етарлича назарий ва иссиқлик алмашинув қонуниятлари асосида ўрганилмаганлиги ва саноат қурилмасининг яратилмаганлиги боис, тадқиқотнинг давоми сифатида бу борада чуқур изланишлар олиб бориш мақсад қилиниб вазифалар белгиланди.

Диссертациянинг «**Тирик пиллаларга дастлабки ишлов бериш жараёнининг назарий ва амалий асослари**» деб номланган иккинчи бобида тирик пилла ғумбагини жонсизлантириш ва уни қуритиш жараёнида қобиқнинг бевосита иштироки боис, уларга дастлабки ишлов бериш жараёнини иссиқлик алмашинув қонуниятлари асосида режимларни тўғри танлаш ва энергия тежамкорлигини ошириш тадқиқ этилган. Тадқиқотлар натижасида инфрақизил нурланишнинг молекулаларга таъсири механизми ва

тирик пилла ғумбагини жонсизлантиришда организмнинг физиологик жараёни асосланган. Регрессия тенгламаси таҳлилидан чиқиш параметри пилла ғумбагининг жонсизланиш даражасига ҳар бир омилнинг алоҳида ва биргаликдаги жуфтлик таъсири аниқланган, боғланиш графиклари келтирилган.


Инфрақизил нур ёрдамида тирик пилла ғумбагини жонсизлантириш режимини танлашда унинг ҳарорати ўзгаришини аниқлаш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ғумбакни жонсизлантириш жараёнида унинг ҳарорати ўзгариш темпини моделлаштириш орқали қобик, ички берк ҳаво қатлами ва ғумбакдаги нисбий ҳароратлари Стефан–Больцман қонуни асосида келтириб чиқарилган қуйидаги ифодалар асосида аниқланди.

$$\frac{4\pi}{3} C_{\text{коб}} (R_{\text{коб}_{\text{ми}}^3} - R_{\text{коб}_{\text{чи}}^3}) \frac{dT_{\text{коб}}}{dt} = 4\sigma_0 \cdot \varepsilon_{\text{коб}} \cdot \pi \cdot R_{\text{коб}_{\text{ми}}^2} (T_{\text{н}}^4 - T_{\text{коб}}^4) + 4\sigma_0 \cdot \varepsilon_{\text{коб}} \cdot \pi \cdot R_{\text{коб}_{\text{чи}}^2} (T_{\text{хк}}^4 - T_{\text{коб}}^4), \quad (1)$$

$$\frac{4\pi}{3} C_{\text{хк}} (R_{\text{коб}_{\text{чи}}^3} - R_{\text{э}}^3) \frac{dT_{\text{хк}}}{dt} = 4\sigma_0 \cdot \varepsilon_{\text{коб}} \cdot \pi \cdot R_{\text{коб}_{\text{чи}}^2} (T_{\text{коб}}^4 - T_{\text{хк}}^4) + 4\sigma_0 \cdot \varepsilon_{\text{э}} \cdot \pi \cdot R_{\text{э}}^2 (T_{\text{э}}^4 - T_{\text{хк}}^4), \quad (2)$$

$$\frac{4\pi}{3} C_{\text{э}} \cdot R_{\text{э}}^3 \frac{dT_{\text{э}}}{dt} = 4\sigma_0 \cdot \varepsilon_{\text{э}} \cdot \pi \cdot R_{\text{э}}^2 (T_{\text{хк}}^4 - T_{\text{э}}^4). \quad (3)$$

Ҳисоб натижаларидан кўришиб турибдики, агар ғумбакнинг тўлиқ жонсизланиши учун критик ҳарорат  $37^{\circ}\text{C}$  деб ҳисобланса, қайд қилинган параметрлар билан инфрақизил нур қурилмасида тирик пиллага ишлов бериш вақти 3 дақиқа ғумбакнинг тўлиқ жонсизланиши учун етарли бўлишини кўрсатади. Шунинг эътиборга олиш лозимки, пилла нурланиш зонасидан чиққандан сўнг ғумбакнинг ҳарорати кескин пасая бошлайди. Ҳаво қатламидаги ҳарорат секинлик билан кўтарилиб, қобик ҳароратининг ўсиши эса ғумбак каби давом этади (1-расм).



*A ва B-мос ҳолда ғумбак вазни 1 ва 3гр бўлган пилла намунаси;  
T<sub>1</sub>-пилла қобиги; T<sub>2</sub>-пилла ичидаги берк ҳаво қатлами; T<sub>3</sub>-ғумбак*

**1-расм. Пиллага инфрақизил нур билан ишлов беришда унинг таркибий қисмларидаги ҳароратнинг ўзгариши**

Тирик пилла ғумбагини инфрақизил нур билан жонсизлантиришда олиб борилган ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики, ғумбакнинг ҳарорати 42 °С га етиши учун пиллага нурланиш зонасида ғумбак вазнига қараб: 1 гр учун – 95 сек, 3 гр – 270 сек. вақт мобайнида ишлов берилиши керак бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, пилла нурланиш зонасидан чиққандан сўнг ғумбакнинг ҳарорати кескин пасая бошлайди.

Тут ипак қурти пилласини иссиқ хавода қуритиш жараёнидаги қуритиш агенти (иссиқ хаво) билан қуритиш объекти (ғумбак) ўртасидаги иссиқлик алмашуви пилла қобиғи орқали унинг ичида рўй беради. Қуритиш давомида эса қобиқ таркибидаги намлик доимо сақланиб қолади. Иссиқлик дастлаб қуритиш агентидан қобиқнинг ташқи сиртига, сўнгра, у қобиқнинг ташқи сиртидан ички сиртига узатилади. Натижада, иссиқлик қобиқнинг ички сиртидан унинг ичидаги ғумбагига конвектив-кондуктив ва нурли иссиқлик алмашуви ёрдамида берилади.

Пилла қобиғининг ички сирти билан ғумбакни ўраб турган берк хаво қатлами ўртасидаги (конвектив-кондуктив ва нурли) иссиқлик алмашувининг натижавий қиймати қуритиш жараёнидаги ҳарорати (режими)га, пилланинг ўлчами (калибри)га, ғумбакнинг ҳажмига ҳамда уларнинг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир.

Юқоридагиларни эътиборга олиб пилла қобиғининг ички сирти билан ғумбакнинг ташқи сирти ўртасидаги мавжуд бўлган сферик берк хаво қатлами орқали иссиқлик алмашув ( $\alpha_{\text{хк}}$ ) коэффициентининг конвектив-кондуктив ( $\alpha_{\text{хк}}^{\text{конв}}$ ) ва нурли ( $\alpha_{\text{хк}}^{\text{нур}}$ ) ташкил қилувчи қийматларини аниқлаш ифодаси келтирилди.

$$\alpha_{\text{хк}} = \alpha_{\text{хк}}^{\text{конв}} + \alpha_{\text{хк}}^{\text{нур}} = \frac{\lambda_{\text{хк}} d_1}{\delta_{\text{хк}} d_2} + \frac{\sigma \left[ \frac{1}{\varepsilon_1} + \left( \frac{1}{\varepsilon_2} - 1 \right) \left( \frac{d_1}{d_2} \right)^2 \right]^{-1} \left[ \left( \frac{T_2^{\text{ич}}}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_1^{\text{ич}}}{100} \right)^4 \right]}{T_2 - T_1} \cdot \left( \frac{d_1}{d_2} \right)^2. \quad (4)$$

Бу ерда  $\varepsilon_1$  ва  $\varepsilon_2$  –мос равишда, ғумбак ва қобиқнинг нурланиш коэффициентлари (яъни, қоралик даражаси);  $\sigma = 5,67 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{К}^4)$ – Стефан–Больцман доимийлиги.


Юқоридаги ифода асосидаги ҳисоб натижаларига кўра ( $\alpha_{\text{хк}}^{\text{конв}}$ ) ва ( $\alpha_{\text{хк}}^{\text{нур}}$ )ларнинг қийматлари мос ҳолда 7,215Вт/(м<sup>2</sup>·°С) ва 5,407 Вт/(м<sup>2</sup>·°С)ни, уларнинг  $\alpha_{\text{хк}}$  йиғинди қиймати эса 12,622 Вт/(м<sup>2</sup>·°С)ни ташкил этади.

Пиллаларни қуритиш жараёнида иссиқликдан фойдаланиш самарадорлиги қуритиш агенти ва ғумбак ўртасидаги иссиқлик узатиш коэффициенти ( $K_{\text{ка}-1}^{\text{кел}}$ )га боғлиқ. Конвектив иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти билан бирга нурли иссиқлик алмашуш коэффициенти эътиборга олган ҳолда қуритиш агенти ва пилла ғумбагининг ташқи сирти орасидаги иссиқлик узатиш коэффициенти хисобий қийматини аниқлаш ифодаси келтирилди. Унинг қиймати  $K_{\text{ка}-1}^{\text{кел}} = 6,35 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{°С})$ ни ташкил этди.

$$K_{\text{ка}-1}^{\text{кел}} = \frac{K_{\text{ка}-1}}{F_2^{\text{нур}}} = \left( \frac{1}{\alpha_{\text{нур}}} + \frac{D_2 \delta_2}{d_2 \lambda_2} + \frac{1}{\alpha_{\text{хк}} d_2^2} \right)^{-1}, \quad (5)$$

Бу ерда  $F_2^{mu}$  –пилла қобиғи ташқи сиртининг иссиқлик алмашинув майдони (сатҳи);  $\alpha_{mu}$  –қуритиш агенти билан пилла қобиғининг ташқи сирти ўртасидаги йиғинди (конвектив ва нурли) иссиқлик алмашинув коэффиценти;  $\delta_2$  ва  $\lambda_2$ –мос ҳолда, пилла қобиғининг қалинлиги ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти;  $D_2$  ва  $d_2$ –мос ҳолда, пилла қобиғининг ташқи ва ички эквивалент диаметрлари.

Пиллаларни қуритиш жараёни унинг табиий сифатига жиддий таъсир этувчи мураккаб технологик жараён бўлиб қолмай, юқори миқдорда ёқилғи ва энергия талаб этади. Уни тежаш йўлларида бири бу ғумбаги жонсизлантирилган пиллаларни кондицион даражагача эмас, балки критик ҳолатига қадар қуритишдир. Бу эса, пиллаларга юқори иссиқ ҳавода ишлов бериш жараёнини қисқартириб, иссиқлик энергиясини тежаш ва унинг технологик хусусиятларини сақлаш имконини беради.



**2-расм. Пиллаларни иссиқ ҳавода қуриш графиги**

1 ва 2-графиклар мос ҳолда,  $N = 0,2553 \frac{1}{\text{соат}}$  ва  $N = 0,2879 \frac{1}{\text{соат}}$  бўлганда (6) формула асосида чизилган; 3-Токоно ва Ямаураларнинг  $W_0 = 170\%$ ,  $T_{ка} = 82^\circ C$  да ва қуритиш агентининг нисбий намлиги  $10,4\%$  бўлгандаги тажриба натижалари келтирилган.

Тадқиқотлар давомида пиллаларни конвектив қуритиш эгри чизиғини яратишнинг тақрибий усули ишлаб чиқилди. Бунинг учун пиллани конвектив қуритишда унинг жорий намлиги  $W$  нинг пасайиш темпини тавсифловчи қуриш эгри чизиғининг ҳисобий ифодаси тақлиф этилди.

$$W = W_m + 0,5556W_0 e^{-\left(180 \frac{N\tau}{W_0} + 1,8 \frac{W_m}{W_0} - 0,8\right)} \quad (6)$$

Мазкур ифода асосида тақрибий эгри чизиғи олинди (2-расм). Бу график пиллаларни белгиланган намликкача қуритиш вақтини аниқлаш имконини беради. Таъкидлаш лозимки, олинган ҳисобий натижалар тажриба


натижаларига мос келиб, таклиф этилган формуланинг аниқлигини кўрсатади.

Тирик пиллага дастлабки ишлов бериш жараёнига инфрақизил нурни қўллаш ва уларни қобикнинг технологик хусусиятларига таъсири тадқиқ этилган. Тирик пилла ғумбагининг инфрақизил нур таъсирида жонсизланиш даражасини аниқлаш бўйича математик модел қурилди. Бунда кирувчи факторлар сифатида махсус қурилмадаги лампа ва пилла орасидаги масофа, ишлов бериш вақти ва пилла намуналарининг қалинлиги каби кўрсаткичлари олиниб қуйидаги регрессия модели:

$$y = 75,1875 - 6,8125x_1 + 7,4375x_2 - 16,8125x_3. \quad (7)$$

ҳосил қилиниб, бу пилла ғумбагини жонсизлантириш жараёнидаги ғумбакнинг жонсизланиш даражаси кўрсаткичининг ўзгаришини мос ифодалайди. Бу ерда:  $X_1$ -пилла намуналари ва лампа орасидаги масофа, см;  $X_2$ -ишлов берилаётган ҳаво ҳарорати,  $^{\circ}\text{C}$ ;  $X_3$ -пиллалар қаватининг қалинлиги, см;


Бу борада олиб борилган чуқур адабий таҳлиллар ва дастлабки ўтказилган амалий тадқиқотлар натижасида пилла қобиғининг нурни максимал ўтказиш ва ғумбакнинг максимал ютиш тўлқин узунлиги 1,1 мкм эканлиги аниқланди. Ушбу тўлқин узунликдаги нурларни тарқатувчи, ҳозирда кенг қўлланилаётган ИКЗ лампалари асосида ғумбакни инфрақизил нур таъсирида жонсизлантиришнинг такомиллаштирилган янги қурилмаси яратилди (3-расм).



Бу ерда. 1-рамани вертикал ростлаш учун болт; 2-тирик пиллалар; 3-камера; 4-психрометр, 5-кўзгули ойна; 6-вал; 7-конвейерни ҳаракатлантирувчи электродвигатель; 8-конвейер орасига ўрнатилган рама; 9-тўлқин узунлиги 1,1 мкм бўлган инфрақизил (ИКЗ 215-225-250-2, 250Вт) лампани иситиш элементлари; 10-керамик патрон; 11-конвейер; 12-электр шит;

**3-расм. Тирик пилла ғумбагини инфрақизил нур таъсирида жонсизлантириш янги қурилмасининг технологик чизмаси**

4-расмда пилла ғумбагининг жонсизланиш даражаси  $\hat{y}$  (%) нинг ҳар-хил қийматларда учинчи омил (ишлов берилаётган намуна қалинлиги,  $x_3$ , см) нинг учта қийматида  $X_3 = -1$  ( $x_3 = h = 2\text{см}$ ),  $X_3 = 0$  ( $x_3 = 4\text{см}$ ) ва  $X_3 = 1$  ( $x_3 = 6\text{см}$ ) иккинчи  $X_2$  (ишлов бериш вақти, мин) ва биринчи  $X_1$  (пилла ва лампа орасидаги масофа, см) омиллар орасидаги боғланишларнинг графиклари келтирилган.




**4-расм.  $X_2$  омил (ишлов бериш вақти, мин) ва биринчи омил  $X_1$  (пилла ва лампа орасидаги масофа, см) ларнинг ишлов берилаётган намуна қалинлиги,  $h=2\text{см}$ ,  $h=4\text{см}$  ва  $h=6\text{см}$  бўлганда пилла ғумбагининг жонсизланиш даражаси  $\hat{y}$  (%) нинг ҳар хил қийматларидаги боғланиш графиклари**

Янги яратилган қурилмада тирик пилла ғумбагини инфрақизил нур ёрдамида жонсизлантириш жараёнида пилла ва лампанинг турли оралиқ масофаларда тажрибалар ўтказилди.


Юқоридагиларни амалиётда текшириш учун ғумбакнинг тўлиқ жонсизланиш вақти оралиғида пилла қобиғи ва ғумбак ҳароратларининг ўзгариши махсус жиҳозланган КСП-4-прибори билан хром игнали термометр ёрдамида ўлчанди (5 ва 6-расмлар).

Натижалардан кўринадики, тирик пилла ғумбагини инфрақизил нурда ишлов беришда пилла ва лампа орасидаги масофа 8 см бўлганда ғумбакнинг ҳарорати 60 сек. ва 180 сек. да мос ҳолда  $60^\circ\text{C}$  ва  $75^\circ\text{C}$  га кўтарилиши

кузатилмоқда. Ишлов бериш вақти 10 дақиқа бўлганда, ғумбакнинг ҳарорати  $88^{\circ}\text{C}$ , пилла қобиғиники эса  $58^{\circ}\text{C}$  бўлиши кузатилди.




**5-расм. Ғумбак ва қобиқ ҳарорати ўзгаришининг вақтга боғлиқлик графиги, (Пилла ва лампа орасидаги масофа 8 см бўлганда)**



**6-расм. Ғумбак ва қобиқ ҳарорати ўзгаришининг вақтга боғлиқлик графиги, (Пилла ва лампа орасидаги масофа 15 см бўлганда)**

6-расмда келтирилган натижаларга кўра, пилла ва лампа орасидаги масофа 15 см бўлганда тирик пилла ғумбагини инфрақизил нурда ишлов беришда ғумбакнинг ҳарорати  $45-50^{\circ}\text{C}$  га етиши учун пиллалар 60 сек., вақтни талаб этди. Бу вақт ичида қобиқнинг ҳарорати мос ҳолда  $32^{\circ}\text{C}$  га қадар кўтарилиши кузатилди. Шунингдек, ишлов бериш вақти 10 дақиқада ғумбак ҳарорати  $75^{\circ}\text{C}$  бўлса, қобиқ ҳарорати  $51^{\circ}\text{C}$  бўлишини кўрсатди.



Бу ерда: PQ1-бир фазали киритувчи автомат; PQ2-УЗО билан автоматик виключатель ёки дифференциал автомат; PQ3-автоматик виключатель; PQ4-УЗО билан автоматик виключатель ёки дифференциал автомат; PQ5-PQ8-бир фазали автоматлар; PQ9-ЭМП босиб турувчи филтр; PQ10-(УЗИП) электр кучланишининг хаддан ташқари кўпайишидан ҳимояловчи қурилма; PQ11-(УЗМ) кўп функционалли ҳимоялаш қурилмаси; PЩ-тақсимловчи ичит.


### 7-расм. Пилла ғумбагини жонсизлантириш янги қурилмасини қуёш энергияси манбаи билан таъминловчи фотоэлектрик системаси-ФЭС 100/12 модели схемаси

Тирик пилла ғумбагини жонсизлантиришда инфрақизил нур манбаи электр энергиясидан олинишини эътиборга олиб, пиллаларга дастлабки ишлов бериш жараёни тан нарҳини камайтириш мақсадида яратилган янги қурилмага электр энергияси манбаи сифатида қуёш нури энергиясидан фойдаланиш таклиф этилди (7-расм).

Диссертациянинг «Навсиз ва нуқсонли пиллаларни қайта ишлаш технологияси» деб номланган учинчи бобида юртимиз пиллакашлик

корхоналаридаги мавжуд пилла чувиш дастгоҳларнинг улуши таҳлили ва механик дастгоҳлардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган. Тадқиқотлар давомида нуқсонли пиллаларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилиб, уларни қайта ишлаш технологиясидаги мавжуд камчиликлар аниқланган ва улардан юқори чизикли зичликдаги сифатли хом ипак олиш самарали эканлиги келтирилган. Натижада мавжуд механик пилла чувиш дастгоҳида навсиз ва нуқсонли пиллаларни чувиб юқори чизикли зичликдаги хом ипак олишнинг такомиллашган технологияси яратилиб, рационал режимлари танланган ва фойдали модел учун №FAP 01076 рақамли патент олинган.

Ҳозирда йилига 24–25 минг тонна тирик пилла тайёрланиб, ундан 2,1–2,2 минг тоннагача хом ипак ишлаб чиқарилса, худди шу миқдорга яқин толали чиқиндилар ҳосил бўлади. Улардан эса ипак йигириш корхоналарида асосий хомашё сифатида фойдаланилади. Республикамизда бир килограмм хом ипак ишлаб чиқариш учун 10–12 килограммдан ортиқ тирик ёки 3–4 килограмм қуруқ пилла сарфланиб, пилла қобиғидаги ипак умумий масса миқдорини 52–54 фоизини ташкил қилади. Бир килограмм ипак ишлаб чиқаришда, деярлик шунча толалик чиқинди пайдо бўлмоқда.




**8-расм. Нуқсонли пиллаларнинг тақсимланиш диаграммаси**

Пилла солиштирма сарфини 1 кг камайтириш хом ипак таннархининг 20–25 % камайишига олиб келади. Унинг чувилиши ва хом ипак чиқиш миқдори хомашёнинг сифати ҳамда қайта ишлаш технологиясига боғлиқ. Тирик пиллаларни қабул қилишда партиядо эзилган пиллалар миқдори 1,5 % ни, вақтинча сақлашда 8,2 %, уларга дастлабки ишлов беришга қадар 14,2 %, қуритилгандан сўнг эса 14,5 % ни ташкил этади. Ҳозирда етиштирилаётган хориж дурагайли пиллаларнинг дастлабки ишлов бериш натижасида уларни саралаш орқали нуқсонлари бўйича чиқиши таҳлил қилинди (8-расм). Натижаларга кўра, нуқсонли пиллаларнинг кўп улуши доғли пиллалар–69,14 %, атлас–18,27 %, шикастланган қобиқли–2,91 % ни ташкил этади.

Мамлакатимиз ипакчилик тармоғининг олдида турган асосий вазибаларидан бири пилла ишлаб чиқариш миқдорини ошириш ва уларнинг сифатини яхшилашдир. Ушбу қимматбаҳо хомашё ипакчилик ва тўқимачилик саноатимиз тараққиёти, экспорт салоҳияти ошиши ва аҳоли турмуш фаровонлиги таъминланишида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, халқ хўжалиги ривожланишига қўйилган замонавий талабларни ва ўсиб бораётган ташқи бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтиришдан иборатдир. Ҳар тонна пилладан 350 килограмм ипак, 20 минг метр адрас, 13 минг метр атлас, умуман, унинг толасидан ўнлаб турдаги маҳсулот тайёрланиши ушбу хомашё саноатимиз ривожда нечоғлик муҳим ўрин тутишини яққол кўрсатади.

9-расмдан кўринадики, юртимиз пиллакашлик корхоналарида қўлланилиб келинаётган дастгоҳларнинг асосий қисми Хитой Халқ Республикасининг замонавий пилла чувиш автоматларидир. Бироқ, пиллакашлик корхоналарида умумий пилла чувиш дастгоҳларининг 5,6 % ини ташкил этувчи, қўлланилиб келинаётган механик пилла чувиш дастгоҳларини ишлаб чиқариш тўхтатилган, мавжудлари эса маънан эскирган бўлиб, кўп ишчи кучи ва қўл меҳнатини талаб қилади. Натижада бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш самардорлигини пасайтирмакда. Шу боис, ушбу механик пилла чувиш дастгоҳларидан унумли фойдаланиш мақсадида улардан навли пиллаларни чувиб сифатли хом ипак ишлаб чиқаришда эмас, балки навсиз ва нуқсонли пиллаларни чувиб ипак йигиришга хомашё тайёрлашда қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Натижада, пилла чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясининг юқорида келтирилган мавжуд камчилликларини бартараф этиш ва қобиқ таркибидаги ипак толалари чувилиб параллел ҳолатдаги ипак хомашёсини олиш имконини берди.




**9-расм. Республикаимиз пиллакашлик корхоналарида қўлланилиб келаётган пилла чувиш дастгоҳлари илгичларининг улуши, %**

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда пилла қобиғининг технологик хусусиятларини сақлаш орқали механик пилла чувиш дастгоҳларидан ҳамда навсиз ва нуқсонли пиллалардан самарали фойдаланиш мақсадида юқори чизиқли зичликдаги хом ипак олишнинг такомиллашган технологияси ва

усули яратилди. Таклиф этилаётган технологияда пилла қобиғини кесмасдан, юқори 12–14 текс чизиқли зичликдаги хом ипак чувиб олинади.

Таклиф этилаётган технологияда мавжуд механик КМС-10ВУ дастгоҳида нуқсонли пиллалардан юқори чизиқли зичликдаги хом ипакни чувиб олиш учун чувиш қозонидан 300 мм баландликда горизонтал планка ўрнатилиб, унга 300 мм оралиқ масофда узунлиги 100 мм, диаметри 50 мм бўлган 10 мм чуқурликдаги қавариқ гардишли цилиндр илгичларни ўрнатиш орқали амалга оширилади. Бу эса, нуқсонли пиллалардан 12–14 текс чизиқли зичликдаги хом ипак чувиб олиш имконини берди. Дастгоҳдаги цилиндр илгич қавариқ гардишли тайёрланганлиги пилла ипларининг чувилиш жараёнида бир бирига жипслашиб, хом ипак шаклланиши ҳамда чувиб олинган хом ипакнинг чархга 100 мм кенгликда ўралишини таъминлади. Шунингдек, 10 мм чуқурликдаги қавариқ гардишли цилиндр илгичлар чувиш қозонидан 300 мм баландликдан ўрнатилганлиги чувиш жараёнида пилла ипларининг узилиш миқдорининг камайишига эришилди (10-расм).



Бу ерда: дастгоҳининг а–ёндан ва б–олд кўриниши, 1–нуқсонли пиллаларни буғлаш қозони; 2–пилла ипи учларини топувчи щетка; 3–чувиш қозони; 4–чувилаётган нуқсонли пиллалар дастаси; 5–қавариқ гардишли цилиндр илгич; 6–йўналтиргич; 7–периметри 1200 мм бўлган думалоқ чарх.

### 10-расм. Такомиллаштирилган КМС-10ВУ нуқсонли пиллаларни чувиш дастгоҳининг ёндан кўриниши технологик чизмаси

КМС-10ВУ нуқсонли пиллалардан 12–14 текс чизиқли зичликдаги хом ипак олиш дастгоҳи қўйидаги тартибда ишлайди: нуқсонли пиллалар буғлаш қозони 1 да буғланиб, щетка 2 нинг айланма–қайтма харакати ёрдамида пилла ипи учлари щеткаларга илашиши натижасида топилади ва чувиш қозони 3 га узатилади. Пилла ипи учлари қавариқ гардишли цилиндр илгич 5 ва йўналтиргич 6 орқали ўтказилиб, периметри 1200 мм бўлган думалоқ чархга 7 хом ипак ҳолида йиғилади. Такомиллашган пилла чувиш дастгоҳининг техник тавсифи 1-жадвалда келтирилган.

## КМС-10ВУ дастгоҳининг техник тавсифи

№	Кўрсаткичлар	Мавжуд	Такомиллашган
1	Пилла чувиш усули	Ярим чўккан холда	Ярим чўккан холда
2	Хом ипак чизиқли зичлиги, текс	2,33 ва 3,23	12–14
3	Дастгоҳ эни, мм	1050	1050
4	Марказдаги қозонлар орасидаги масофа узунлиги, мм	1100	1100
5	Битта тоздаги илгичлар сони	10	4
6	Илгичлар орасидаги масофа, мм	85	300
7	Чувилаётган пилла ва илгич орасидаги масофа, мм	100	300
8	Дастгоҳни полдан баландлиги, мм	770	770
9	Қуритиш шкафининг габарит ўлчамлари, мм		
	эни	700	700
	баландлиги	1760	1760
	узунлиги	1100	1100
10	Шкафдаги чархлар сони (1 та тозда)	4	1
13	Чархнинг периметри, мм	1200	1200
14	Илгичларнинг айланиш частотаси, с <sup>-1</sup>	5	-
	1 та тозга сарфланадиган электроэнергия, Вт/с	75	50
	Сув буғи	24-26	24-26

Тажрибадаги пиллалар эса учта вариантга гуруҳланди. Унда: 1-вариантда қўшалок пиллалар ва йирик калибрли пиллалар; 2-вариантда навсиз ва нуқсонли пиллалар; 3-вариантда юпқа қобиқли ва езилган пиллаларга ажратилди. Пиллаларга пишириш тозида ҳамма гуруҳ пиллалари учун буғ билан ишлов берилган: нормал пиллалар учун ҳам, шикастланган пиллалар учун ҳам пишириш режими белгиланган, лекин чўтканинг айланиш сони ўзгартирилди. 1-вариантдаги пиллалар учун чўтка айланишлари сони 10–13 марта, 2-вариантдаги пиллалар учун 9–10 марта, 3-вариантдаги пиллалар учун эса 14–15 марта қилиб белгиланди. Чархнинг айланиш тезлиги ҳам ўзгартирилди. 1-вариантдаги пиллалар учун чархнинг айланиш тезлиги 80 айл./мин., 2-вариантдаги пиллалар учун 70 айл./мин., 3-вариантдаги пиллалар учун эса 60 айл./мин. қилиб белгиланди.

Тажрибадаги пиллаларнинг ҳар учта варианты чувиб олингандан сўнг технологик хусусиятлари аниқланди (2-жадвал). Жадвалдан кўришиб турибдики, 1-вариантдаги пиллалардан 2- ва 3-вариантдагиларга нисбатан хом ипакни чиқиши сезиларли юқори бўлишини кўрсатди.

**Такомиллашган КМС-10ВУ механик дастгоҳида  
чувишдан олинган натижалар**

Пиллалар гурӯҳлар	Ипак маҳсулотлари чиқиши, %				Ипак- дор- лик, %	Узуқ- лар сони, у/соат	Чувалув -чанлик	Солиш -тирма сарфи
	Хом ипак	Лос	Қазноқ	Чувилмаган				
1-вариант	30,5	8,7	4,4	9,7	53,3	4	57,2	4,85
	29,4	9,1	4,9	10,2	53,6	5	54,8	4,94
	31,1	8,3	4,1	9,2	52,7	4	59,0	4,41
2-вариант	24,4	9,1	3,9	8,3	50,2	6	63,7	4,20
	25,1	8,9	4,2	8,1	46,3	5	54,2	4,15
	24,9	8,9	3,7	8,0	45,5	6	54,7	4,24
3-вариант	20,9	12,4	3,8	7,7	44,8	10	46,6	3,85
	21,2	11,9	3,7	7,4	44,2	10	47,9	3,69
	21,5	11,7	3,5	7,3	44,0	10	48,9	3,71


Шундай қилиб, қўшалок ва йирик калибрли пиллаларда хом ипакни чиқиши—30,3 %, навсиз ва ностандарт пиллаларда 24,8 %, юпқа қобикли ва эзилган пиллаларда эса 21,2 % ташкил этди. Хом ипак чиқишининг камайганлиги асосан пилла лосининг кўп чиққанлиги билан изоҳланади. Биринчи вариант пилла намуналаридан лос чиқиши ўртача—8,7 % ни, иккинчи вариантда ўртача—9,0 % ни, учинчи вариантда эса 12,0 % ни ташкил этди. Қазноқни чиқиши мос равишда ўртача 4,5 %, 3,9 % ва 3,7 % бўлишини кўрсатди.

Натижалардан кўриниб турибдики пилла қобиғининг шикастланиш даражаси ортиши билан унинг технологик хусусиятлари пасайиб бориши кузатилмоқда. Бундай шикастланган пиллаларни чувиш учун алоҳида технологик параметрлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

Диссертациянинг «**Такрорий мавсумда етиштирилган пиллаларга ишлов бериш**» деб номланган тўртинчи бобида ипакчилик саноатини янада ривожлантириш йўлларида бири бўлган мавсумда етиштирилган пиллаларга дастлабки ишлов беришнинг самарали усуллари яратиб, қобикнинг технологик хусусиятларини сақлаш ва мавжуд механик пилла чувиш дастгоҳларидан самарали фойдаланиш мақсадида уни такомиллаштириш орқали навсиз ва нуқсонли пиллаларни қайта ишлаб ипак йигириш учун хомашё тайёрлаш ҳамда ипак гиламлари учун юқори чизикли зичликдаги хом ипак олиш йўллари ва ишлаб чиқаришдаги амалий тадқиқот натижалари келтирилган.

Таклиф этилаётган усулни амалиётда синаш ва уларнинг технологик режимларини аниқлаш мақсадида 2016–2020 йиллардан пилла тайёрлаш мавсумида Самарқанд вилояти «Kumush tola» МЧЖ, Қашқадарё вилояти «Koson agropilla» МЧЖ ҳамда Тошкент вилояти «O'rtachirchiq agro pilla» корхоналари ва «Ипак технологияси» кафедрасининг амалиёт базаларида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар мавжуд СК-150К агрегати ва янги яратилган инфрақизил нур таъсирида тирик пилла ғумбагини жонсизлантириш қурилмаларида ўтказилди.

